



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУЗ

### АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/2/1**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Тахрир ҳайъати:

**Сагдуллаев А.С.** – т.ф.д., проф.

**Аширов А.А.** – т.ф.д., проф.

**Баллиева Р.** – т.ф.д., проф.

**Маликов А.М.** – т.ф.д., проф.

**Юсупова Д.Ю.** – т.ф.д., проф.

**Муртазаева Р.Х.** – т.ф.д., проф.

**Мўминов А.Г.** – с.ф.д., проф.

**Нишонова О.Ж.** – ф.ф.д., проф.

**Ахмедов Х.А.** – с.ф.д.

**Мухаммедова Д.Г.** – псих.ф.д.

**Болтабоев Х.** – фил.ф.д., проф.

**Раҳмонов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Жабборов Н.А.** – фил.ф.д., проф.

**Сиддиқова И.А.** – фил.ф.д., проф.

**Садуллаева Н.А.** – фил.ф.д., доц.

**Арустамян Я.Ю.** – фил.ф.д., доц.

**Пардаев З.А.** – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

<b>Адилов Ж.</b> Александр Бекович-Черкасский юришининг маданий мерос намуналаридаги иникоси.....	4
<b>Алиазарова Д.</b> Из истории издания газеты на языке бухарских евреев в Фергане.....	7
<b>Илхомов З.</b> Тарихий далил тизими ва далил хусусиятлари ҳақида баъзи фикрлар.....	10
<b>Мусаев Н.</b> XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда савдо-саноат ва банк капиталининг фаолияти.....	13
<b>Норқўчқаров Х.</b> Туркистонликларнинг Афғонистонга мухожирлиги ҳақида айрим мулоҳазалар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср 30-йиллари).....	18
<b>Орифжонова Г.</b> Қашқадарё этномаданий либосларининг ўзига хослиги (Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи коллекциялари мисолида).....	21
<b>Rashidova F., Voltaeva M.</b> 1991-2000 yillarda Jizzax viloyatining kichik biznes va tadbirkorlikda xorijiy investitsion muhitning tarixiy qiyoslovi.....	26
<b>Сатимов Б.</b> Жанубий Оролбўйи аҳолиси қуролланиш билими саҳифасидан.....	29
<b>Смесова Е.</b> Исторические корни толерантных отношений в Узбекистане.....	32
<b>Холикулов А.</b> XIX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Усманийлар давлати ўртасидаги муносабатларга доир баъзи мулоҳазалар.....	35
<b>Шарипова Н.</b> 1966-1991 йилларда педагог ходимлар кийиниш маданиятининг ўзгариб бориши (Фарғона водийси мисолида).....	39
<b>Shukurov R.</b> Вухоро amirligi tadqiqotlarining tarixshunosligi masalalari.....	43
<b>Эргашева Х.</b> Фарғона вилоятида нефть саноатининг шаклланиши.....	46

### Фалсафа

<b>Алимардонов Т.</b> Давлат ва жамият бошқарувида ижтимоий муносабатлар зиддиятлари.....	50
<b>Алимухамедова Н.</b> Этномиллий концепцияларнинг таҳлил этишда анъанавий ёндошувлар.....	54
<b>Аллаяров О., Ботиров М.</b> Интернет имкониятларидан ахборотлашган жамиятда фойдаланишнинг аҳамияти.....	58
<b>Анашов В.</b> Боксчилар фаолиятининг индивидуал стилини ҳисобга олган ҳолда мусобақаолди тайёргарлигини такомиллаштириш.....	61
<b>Asrorov I.</b> Ko‘rish imkoniyati cheklangan talabalarga chet tilini o‘qitishning muammolari va yechimlari.....	64
<b>Ахмедов Т.</b> Олий мажлис – замонавий кенгаш институти сифатида.....	67
<b>Ахмедов Х.</b> Экологик хавфсизлик сиёсатини инсонпарварлаштиришни тарихий даврлаштириш тамойиллари.....	71
<b>Akhmedova A., Axmedova O.</b> Toshkent viloyati nikoh to‘yi marosimlarining etnohududiy xususiyatlari.....	74
<b>Baratova D.</b> Using flipped method in the classroom.....	78
<b>Бегимқулов З., Нарзиева Н.</b> Малака ошириш жараёнида спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчиларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш.....	81
<b>Жаббаров З., Файзиев М.</b> Хориж давлатларнинг қуролли кучларида ахлоқий-руҳий тайёргарликнинг шаклланиши.....	85
<b>Жўраев Р., Тўхтасинов Б.</b> Ижтимоий-сиёсий институт сифатида давлатнинг тарихий тадрижийлиги.....	89
<b>Jo‘raho‘jayev M.</b> Uyda yakka tartibdagi ta‘lim darslari samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish.....	92
<b>Yo‘ldashev Sh.</b> O‘zbekiston yoshlarining huquqiy ong va huquqiy madaniyatnig shakllanishi.....	96
<b>Казакова М.</b> Азизиддин Насафийнинг илмий-педагогик қарашлари таҳлили.....	99
<b>Каримов Ф.</b> Контроль уровня уровня специальной физической подготовки футболисток высокой квалификации.....	102
<b>Qayumova Sh.</b> O‘quvchilarning matematika va tabiiy fanlarga oid savodxonligini aniqlashda TIMSS xalqaro baholash dasturining ahamiyati.....	106
<b>Мамирова О.</b> Бошқарувда гендер тенгликни таъминлаш истикболлари.....	110
<b>Муминова Г.</b> Энергетические ресурсы Центральной Азии.....	114
<b>Murodova Z.</b> Interaction of the formation of methodological culture in future teachers with the scientific world..	118
<b>Муҳаммаджонова Г.</b> Ижод психологиясининг ўрганилишига доир.....	122
<b>Nosirova N.</b> Methodological approach in teaching process.....	125
<b>Орзиқулов Б.</b> Ўзбекистонда зиёрат туризми ва уни ривожлантириш чора тadbirlari.....	128
<b>Ochilova F., Davlatova D.</b> Bola shaxsini rivojlanishi jarayonida uchraydigan bolalar nevrozini bartaraf etishda, art-terapiya usullaridan foydalanish.....	132
<b>Позилова Ш.</b> Малака ошириш курсларида профессионал таълим ўқитувчилари касбий креативлигини ривожлантиришнинг илмий-методик жиҳатдан таҳлили.....	136
<b>Равшанова М.</b> Педагогика олий таълим муассасалари талабаларига эконометрикани ўқитиш концепцияси ва методикасини ўзаро боғлиқлиги.....	140

<b>Rayimqulova M.</b> Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarni tarbiyalashda erkin tarbiya texnologiyasidan foydalanish yo'llari.....	142
<b>Рафиқов Ш.</b> Янгиланаётган Ўзбекистонда халқ манфаатларини рўёбга чиқаришнинг асосий йўналишлари.....	146
<b>Раҳманов А.</b> Таълим тизимида ёшлар тадбиркорлик фаоллигини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари.....	150
<b>Rakhmatova Z.</b> Didactics – issues, principles, methods and organizational forms of education.....	154
<b>Сагдуллаева Д.</b> Ривожланган давлатларда лидер феноменига нисбатан жорий ҳолатдаги мавжуд ёндашувлар.....	157
<b>Saidova Z.</b> Qishloq xo'jaligiga oid terminlarini tartibga solish masalasining lingvistik asoslari.....	161
<b>Сунатов Д.</b> Маданий макон, унинг структураси ва ўзига хос жиҳатлари.....	164
<b>Tashmetova G.</b> Tibbiy oliy ta'lim muassasalari talabalarining mediateknologiyalar asosida kasbiy-nutqiy madaniyatini oshirish metodikasi (ingliz tili misolida).....	167
<b>Тошпўлотов Ш.</b> “Диний бағрикенглик” тушунчасининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ва фуқароларда бағрикенгликни шакллантириш механизмлари.....	170
<b>Tulanov M.</b> Western philosophy in the development of philosophical thinking.....	174
<b>Тураев Ё.</b> Мактабгача таълимда катта ёшдаги болаларни табиат билан таништиришнинг назарий асослари.....	177
<b>Турдиев Ш.</b> СТАЕМ фанларини тадқиқ этишда, STEAM таълим методикаси.....	181
<b>Турдиева Д.</b> “Ислом ҳадари” концепциясининг Малайзия ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ўрни.....	184
<b>Turorova L.</b> Language teaching methodology: observations from three english lessons.....	187
<b>Турсункулова Ш.</b> Фалсафа тарихида гўзаллик тўғрисидаги фалсафий қарашлар.....	190
<b>О'ktamova Sh.</b> Oliy ta'limda talabalar ilmiy-tadqiqot kompetentsiyasi muammosining hozirgi holati.....	194
<b>Ўролов М.</b> Ёш спортчиларнинг кўл жанги бўйича тайёргарлигини ривожлантириш масалалари.....	198
<b>Fauziyeva M.</b> Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ta'lim-tarbiya jarayonini nazorat qilish texnikasi.....	201
<b>Холназарова Д.</b> Талабаларда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда таълим тизимининг ўрни ва аҳамияти.....	204
<b>Xomidjonov J.</b> “Rentgen nurlarining tibbiyotdagi ahamiyati” mavzusini kredit modul tizimida o'qitish.....	208
<b>Хонимов Ш.</b> Ёшлар маънавий салоҳиятини юксалтириш борасидаги давлат сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.....	211
<b>Хосилова Ф.</b> Проблемы формирования профессиональной речи студентов-филологов.....	215
<b>Хурвалиева Т.</b> Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришнинг методик жиҳатлари.....	218
<b>Юсупов Л.</b> Мотивациянинг чет тилларини ўрганишдаги аҳамияти.....	221
<b>Филология</b>	
<b>Абдуазизова Д.</b> Соотношение паралингвистики и речевого этикета в разных лингвокультурах.....	225
<b>Абдуллаева З.</b> Тил ва паралингвистиканинг ифодаланиши тенденциялари.....	229
<b>Бўронов А.</b> Туркий тилларга хос қа ўзакли лексемаларнинг таҳлили.....	232
<b>Джалилова Х.</b> Лоренс Стернинг “Сентиментал саёҳат”и.....	236
<b>Jo'rayeva B., Sa'dullayeva M.</b> Tilshunoslikda konsept tadqiqi.....	239
<b>Менглиева М.</b> Анъанавий ва функционал тилшунослик – лингвистик эволюция босқичлари.....	242
<b>Мусаева Ф.</b> Distinguishing features of specialized vocabulary from general vocabulary on the basis of scientific research.....	245
<b>Назарова Г.</b> Ўзлашма сўзларнинг тузилишига кўра турлари ва лексикографик талқини.....	249
<b>Sayflayev B.</b> O'zbek va qozoq tillaridagi frazeologizmlarning qiyosiy talqini.....	252
<b>Сотволдиев Б.</b> Сленг ва адабий тил бирликлари ўртасидаги муносабатлар.....	256
<b>Ташпулатова Д.</b> Ўзбек ва инглиз тилларидаги афоризмларнинг прагматик хусусияти ҳамда уларнинг корпусда берилиш тамойиллари.....	260
<b>Умрзақов И.</b> Уильям Фолкнер ижодида жануб готикаси анъаналари.....	263
<b>Usmanova G.</b> Theme of children and adolescents in twentieth century English literature.....	267
<b>Zhou R.</b> Eastern philosophy in the 20th century Russian literature.....	271
<b>Якубов Ж., Рахимова Г.</b> Нутқий акт турлари кўлланишига доир баъзи бир назарий қарашлар.....	274



*Дилноза ТАШПУЛATOBA,*  
*Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси*  
*E-mail: [dili\\_xalmirzayevna@mail.ru](mailto:dili_xalmirzayevna@mail.ru)*

*ЎзМУ доценти И.К. Ўсаров тақризи асосида*

#### PRAGMATIC APHORISMS IN UZBEK AND ENGLISH FEATURE AND THE PRINCIPLES OF THEIR TRANSMISSION IN THE CORPUS

Abstract

Today, the need to study the general principles of working with texts in information retrieval systems, corpus linguistics and machine translation, the need to develop a system of creating formal language and grammar for the linguistic support of analytical systems requires new ideas. The article aims to develop the pragmatic nature of aphorisms in Uzbek and English, as well as the principles of their presentation in the corpus. The development of the principles of presentation of aphorisms in the Uzbek and English languages in the corpus is studied by defining the general principles of linguistic modeling and the formation of the text corpus and its importance in the information retrieval system.

**Key words:** aphorism, computer linguistics, linguistics, pragmatic nature of aphorisms, text corpus, linguistic modeling, paremy, national language corpus, linguistic modeling, morphological analyzer.

#### ПРАГМАТИЧЕСКИЕ АФОРИЗМЫ НА УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ ОСОБЕННОСТИ И ПРИНЦИПЫ ИХ ПЕРЕДАЧИ В КОРПУСЕ

Аннотация

Сегодня необходимость изучения общих принципов работы с текстами в информационно-поисковых системах, корпусной лингвистике и машинном переводе, необходимость разработки системы создания формального языка и грамматики для лингвистического обеспечения аналитических систем требует новых идей. В статье ставится задача разработать прагматический характер афоризмов на узбекском и английском языках, а также принципы их представления в корпусе. Развитие принципов представления афоризмов на узбекском и английском языках в корпусе исследуется путем определения общих принципов лингвистического моделирования и формирования корпуса текстов и его значения в информационно-поисковой системе.

**Ключевые слова:** афоризм, компьютерная лингвистика, лингвистика, прагматические особенности афоризмов, корпус текстов, лингвистическое моделирование, паремия, корпус национальных языков, лингвистическое моделирование, морфологический анализатор.

#### ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ АФОРИЗМЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТИ ҲАМДА УЛАРНИНГ КОРПУСДА БЕРИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация

Бугунги кунда ахборот-қидирув тизими, корпус лингвистикаси ва машина таржимасида матнлар билан ишлашнинг умумий тамойилларини ўрганиш, таҳлил тизимлари лингвистик таъминоти учун формал тил ва грамматикани яратиш тизимини ишлаб чиқиш зарурати янгидан янги ғояларни талаб қилади. Мақолада ўзбек ва инглиз тилларидаги афоризмларнинг прагматик хусусияти ҳамда уларнинг корпусда берилиш тамойилларини ишлаб чиқиш мақсад этиб белгиланган. Ўзбек ва инглиз тилларидаги афоризмларнинг корпусда берилиш тамойиллари ишлаб чиқиш лингвистик моделлаштириш ҳамда матнлар корпусини тузишнинг умумий тамойиллари ҳамда унинг ахборот-қидирув тизимидаги аҳамиятини аниқлаш орқали тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** афоризм, компьютер лингвистикаси, тилшунослик, афоризмларнинг прагматик хусусияти, матнлар корпуси, лингвистик моделлаштириш, паремиялар, миллий тил корпуси, лингвистик моделлаштириш, морфологик анализатор.

**Кириш.** Жаҳон компьютер лингвистикасида матнлар корпусини яратиш ўтган асрдан бошлаб ўрганилди, табиий тилга ишлов бериш, математик лингвистика ва машина таржимаси амалиётида қўллашга ҳаракатлар бошланди. Шундан буён тадқиқот ва амалий ишланмалар натижасида бир қанча илова ишлаб чиқилган: ахборот-қидирув тизимида фаол қўлланувчи орфографик корректор (имло муҳаррири) шулар жумласидан. Афоризмларнинг корпусларда берилиши, сунъий интеллектнинг автоматик таржима, компьютер таҳлили, таҳрири, тезаурус, электрон луғат сингари имкониятлари кенгайди, илмий-назарий асослари яратилди, амалиётда қўллаш мумкин бўлган илк намуналари қўлланила бошлади. Фандаги бу янгиланишлар ахборот технологияларини тилшуносликка татбиқ этиш билан боғлиқ истиқболли илмий йўналишлар пайдо бўлишига йўл очди. Бу ахборот-қидирув тизими,

корпус лингвистикаси ва машина таржимасида матнлар билан ишлашнинг умумий тамойилларини ўрганиш, таҳлил тизимлари лингвистик таъминоти учун формал тил ва грамматикани яратиш тизимини ишлаб чиқиш зарурати ҳамда мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Дунё тилшунослигида ўтган аср охирида компьютер лингвистикаси илмий-назарий жиҳатдан ривожлана бошлади. Такимилашиб бораётган компьютер лингвистикаси йўналишида автоматик таржима сифатини яхшилаш, тилни лингвистик моделлаштириш, ҳар бир тилга оид сўзларни леммалаш назарияси, алгоритминини яратиш, матнлар корпусини шакллантириш жаҳон тилшунослигида долзарб масалага айланди.

Бугун тилшунослик, хусусан, компьютер лингвистикасида тил корпусларини яратиш, корпусни лингвистик аннотациялаш, матнни автоматик қайта

ишлайдиган дастурлар ишлаб чиқиш, ечимини кутаётган муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Ўзбек компьютер лингвистикасида истиқлол йилларида тил корпуслари, нутқ синтезатори, автоматик таржима, сунъий интеллектнинг ўзбек тилини тушуниш ва қайта ишлашига эришиш борасида қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса ҳам, паремиялар, хусусан, афоризмларнинг прагматик тадқиқи уларни миллий тил корпусида бериш тамойиллари монографик планда ўрганилмаган. Бинобарин, "...давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш"[1] ҳар қандай назарий изланишларнинг амалий натижадорлигини назарда тутади. Мамлакатимизда давлат тилига эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Ўзбек тилининг замонавий ахборот технологиялари воситаларида ишлов берилишига эришиш, бунинг учун тил корпуслари, электрон таржимон, тезаурус, орфокоорректор, уларга дастлабки автоматик ишлов бериш воситалари ҳамда уларнинг лингвистик таъминотини яратиш билан бирга миллат тафаккурининг илғор ғоялари ҳисобланган афоризмларни тил корпусида берилиш тамойиллари масалани замонавий илмий тамойиллар асосида тадқиқ этиш ижтимоий эҳтиёжи ишнинг долзарблиги ҳамда муҳимлигини исботлайди.

**-Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4997-сон, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақидаги" Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Жаҳон тилшунослигида лингвистик таъминотнинг назарий, методологик муаммоларини ўрганиш ўтган асрнинг 60-йилларида бошланди: ахборот-қидирув тилисиз электрон ҳисоблаш машинасининг машиналигича қолиб кетиши тан олинди, "механик" босқичдан "мантикий-лингвистик" босқичга, ахборот-қидирув тизими таракқиёт босқичига ўтилди[2]. Жаҳон компьютер лингвистикасида табиий тилга ишлов бериш муаммолари А.Кейлер, К.В.Линден, Н.Вард[3], М.А.Мохри[4] томонидан ёритилди.

Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, матнга лексикографик ишлов бериш ва лингвостатистик таҳлил этиш борасида бирмунча тадқиқотлар амалга оширилган. М.А.Маҳмудов, М.Айимбетов, С.Каримов, Г.Жуманазарова, А.Бабанаров, Д.Ўринбоева, А.Норов ва бошқаларнинг кузатишларини ана шундай ишлар сифатида қайд этиш мумкин.

**-Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Ўзбек тилида корпус учун матнлар тузиш махсус тадқиқот предмети бўлмаган, аммо айрим тадқиқотларда масаланинг баъзи қирралари ҳақида фикр билдирилган. Чунончи, ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш[5], ўзбек-инглиз тили машина таржимасининг лингвистик таъминоти[6], ўзбек тили муаллифлик корпусини тузиш тамойиллари[7].

Бу тадқиқотлар компьютер лингвистикаси муаммоларини тадқиқ этганлиги билан долзарблик касб этган, аммо ўзбек тили автоматик морфологик таҳлил дастури – морфоанализатор ва унинг лингвистик таъминотини яратиш тамойиллари масаласи кун тартибига қўйилмаган. Мақола мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, статистик методларидан фойдаланилди.

**-Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Ўзбек ва инглиз тилларидаги афоризмларнинг матн билан боғлиқ ҳолда корпусда берилиш тамойилларини ўрганиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

афоризм иштирок этган матнлар тузилиши, таркиби ва вазифаларини тадқиқ этиш;

матнлар корусини тузишнинг умумий тамойиллари ҳамда унинг ахборот-қидирув тизимидаги аҳамиятини аниқлаш;

жаҳон тилшунослигида матнлар корпусини яратиш билан боғлиқ муштарак ва фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш;

ўзбек тили афоризмларининг прагматик тадқиқи, бирликлари, тузилиши, таркиби ва таҳлил бирликларини аниқлаш;

ўзбек ва инглиз тилларидаги афоризмларнинг корпусда берилиш тамойилларини ишлаб чиқиш, лингвистик моделлаштириш;

Ўзбек ва инглиз тилларидаги афоризмларнинг корпусда берилиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

ўзбек афоризм иштирок этган матнлар тузилиши, таркиби ва вазифалари ўрганишда қўлланилади;

матнлар корусини тузишнинг умумий тамойиллари ҳамда унинг ахборот-қидирув тизимидаги аҳамиятини аниқлашда ишлатилади;

жаҳон тилшунослигида матнлар корпусини яратиш билан боғлиқ муштарак ва фарқли жиҳатларини тадқиқ этишда фойдаланилади;

ўзбек тили афоризмларининг прагматик тадқиқи, бирликлари, тузилиши, таркиби ва таҳлил бирликларини аниқлашда қўл келади;

ўзбек ва инглиз тилларидаги афоризмларнинг корпусда берилиш тамойилларини ишлаб чиқиш, лингвистик моделлаштиришда манба бўлиб хизмат қилади.

**- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Ўзбек ва инглиз тилларидаги афоризмларнинг корпусда берилиш ўзбек тили морфологик анализатори яратишнинг назарий асослари ва унинг лингвистик таъминотини ишлаб чиқишда, компьютер лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар яратишда назарий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти амалий тилшунослик, компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси фанлари ўқитилиш жараёнида дастур, режалар тузиш ҳамда мавзуларни баён этишда манба вазифасини ўташи, ўзбек тили морфоанализатори, орфокоорректорини ишлаб чиқишда, ўзбек тилида турли типдаги корпусларни морфологик разметкалашда қўлланиши билан изоҳланади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // [www.xabar.uz](http://www.xabar.uz)
2. Соколов А.В. Автоматизация библиографического поиска / А.В. Соколов. -М.: Книга, 1981.- 167 с. – С.91.
3. Speech and Language Processing. Daniel S. Jurafsky and James H. Martin. Contributing writers: Andrew Kehler, Keith Vander Linden, Nigel Ward 2000y. Prentice Hall, Englewood Cliffs, New Jersey 07632. pages: 950.
4. Mohri M.A. Finite-state transducers in language and speech processing. Computational Linguistics. – С. 269-312.
5. Мухаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. Методик қўлланма. - Тошкент, 2006.;
6. Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Содда гаплар мисолида). Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. афтореф. – Тошкент, 2018. – 52 б.
7. Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...диссер. – Қарши, 2018. – 250 б.